



Куръон илмлари ичида Сабаби нузул илми алохида ўринга эга. Куръони Каримни ўрганиш ва ундан шаръий ҳукмлар чиқаришда ушбу илмнинг фойдаси жуда ҳам каттадир. “Куръони Каримдан вахий нозил бўлишига сабаб бўлган нарса, воқеа-ҳодисаларни ўрганиш “Сабаби нузул” дейилади. Соддарок қилиб айтадиган бўлсак, Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг даврларида бирор ҳодиса рўй беради ёки у зотга савол берилади. Шу муносабат ила бир неча оят нозил бўлиб, Аллох таоло уларда мазкур ҳодисага боғлиқ нарсани баён қилади ёки саволга жавоб беради. Ана ўша ҳодиса ва савол Сабаби нузул дейилади.

Булардан келиб чиқиб, сабаби нузулни ўрганишнинг фойдаларидан баъзиларини зикр қилиб ўтамиз.

1. Аллох таоло Куръонда нозил қилган оятларнинг муайян бир сабаби, хикматини билиш мўминга ҳам, мўмин бўлмаганларга ҳам фойда беради. Сабаби нузулни билган мўмин оятнинг инсоният ҳаётида рўй берадиган жумбокли саволларга, турли мушкулликларга ечим бўлиб нозил қилинганини кўриб, Куръонни икки дунё саодатига элтувчи Китоб ўларок нозил қилинганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Бу эса ихлоси ва амали зиёда бўлишига ундайди. Мўмин бўлмаган инсонларнинг эса оятнинг нозил бўлишига сабаб бўлган воқеаларни қандай муолажа қилинганига ҳолисона назар ташлаши туфайли Исломи дини тўғрисида тасаввури яхши томонга ўзгариши, алалоқибат мусулмон бўлиши умид қилинади.

2. Оятларнинг маъносини янада яхшироқ тушунишга ва оятларни яхши тушуниш мобайнида бўладиган қийинчиликларни кетказишга ёрдам беради. Сабаби нузул имлида китоб таълиф этган пешқадам уламолардан Воҳидий раҳматуллоҳи алайх: “Оятларнинг тафсирини унинг қиссаларини ва сабаби нузулини билмасдан туриб англаш мушкул”, деганлар.

3. Оятнинг нима хакида нозил бўлганлигини аниқ билиш. Бу эса хар бир нарсани ўз ўрнига кўйишга, бошқаси билан алмаштириб юбормасликка ёрдам беради.

Оятларни ўқиш давомида баъзан илмимиз саёзлиги сабаб оятларнинг маънолари бир-бири билан боғлай оламаймиз, баъзида эса ўша оят ноўрин жой олгандай, гоҳида эса олдинги оятлар билан умуман боғлиқлик жойи йўқдай кўринади. Бундай холларда сабаби нузул илмини ўрганишимиз шу каби тушунмовчиликларга бархам беради .

4. Хар бир оятни эшитган одам учун унинг нозил бўлиш сабабини билиш ёдлашни, тушунишни ва илохий Каломни калбга жо килишни осонлаштиради.

5. Сабаби нузулни ўрганиш асносида киши Аллох таолонинг хаким Зот эканининг яна бир бора гувоҳи бўлади.

6. Сабаби нузулни ўрганган мусулмон турли масалалар, мушкулликларга самарали ечим топиш ва уни оқилона хал килиш малакасига эга бўлади.

Бу йўл билан илохий дастур – Куръони Каримда турли воқеалар қандай муолажа килингани, хар ишни ўз ўрнида баён килиш ва хал килиш нақадар гўзал эканига оятлар ва унинг нозил бўлиш сабабларини ўрганиш асносида тафаккурга эга бўлади.

Аъзамжон ТОШПҲЛАТОВ